ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 15 АВГУСТ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 162 (13.225)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
25
O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИ:

ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Йилдан йилга обод ва кўркамлашиб, чирой очаётган Юнусобод туманида ҳам Истиқлолнинг қутлуғ тўйини барча соҳаларда муносиб ютуқлар билан кутиб олиш аҳолининг эзгу мақсадига айланган.

Туман аҳолиси бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларида меҳнат қилиб, Ватанимиз равнақи йўлида хизмат кўрсатишмоқда.

Бугунги кунда туманда 63 та маҳалла, 19 та тиббиёт муассасалари, 1 та санаторий ва кўплаб саноат корхоналари фаолият юритмоқда. Болажонларнинг соғлом ва зукко бўлиб вояга етишида тумандаги 64 та мактабгача таълим муассасасининг хизмати катта бўлмоқда. Шунингдек, туманда 38 та мактаб, 3 та мусиқа мактаби, 2 та меҳрибонлик уйи, 4 та олий ўқув юрти, 6 та академик лицей, 6 та касб-ҳунар коллежи фаолият юритиб келмоқда.

Пойтахтимизнинг гўзал масканларидан бири "Туркистон" саройи, "Аквабоғ", "Тошкентленд", Тошкент ҳайвонот боғи туман ҳудудида жойлашган.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйи арафасида кенг кўламли реконструкция ишлари олиб борилган Олой деҳқон бозори пойтахтимизнинг энг кўркам жойларидан бирига айланди. Умумий майдони 4 гектарни ташкил этадиган бозорга кираверишдаги эски арка олиб ташланиб, атрофи анча кенгайтирилиб, кўкаламзорлаштирилди. Бугун бозорда аввалги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари расталари ўрнига янги павильон барпо этилди. Янги қиёфа яратишда Шарқ ва Ғарб бинокорлиги анъаналаридан кенг фойдаланган ҳолда миллий ҳунармандликка алоҳида урғу берилди. Бозор ҳудуди кўкаламзорлаштирилиб, раста ва павильонлар атрофига турли гул кўчатлари экилди. Омборхоналар, банк бўлимлари, маиший хизмат кўрсатиш масканлари харидорлар учун қулайлик бўлса, қандолатпазлар ва новвойлар учун ҳам алоҳида жойлар қурилди.

2016 йил 1-ярим йиллик якуни бўйича асосий иқтисодий кўрсаткич натижалари қуйидагича намоён бўлмоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,9 фоизга, ҳудудий саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 28,0 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 28,0 фоизга, асосий капиталга инвестиция 14,8 фоизга, пудрат-қурилиш ишлари 24,3 фоизга, чакана савдо айланмаси 14,8 фоизга, жами хизматлар 14,3 фоизга, пуллик хизматлар 14,5 фоизга ўсишига эришилди.

Хулоса қилиб айтганда, Юнусобод тумани ҳам мустақиллигимизнинг 25 йиллигини ҳар бир соҳада самарали ютуқлар билан кутиб олишга шайланган.

(Юнусобод туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Ҳа, биз бу қувончли онларни узоқ кутгандик. Зеро, Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтаётган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида чарм қўлқоп устамиз Ҳасанбой Дўстматов финалга чиққанда, кўпчилик мухлислар мана энди бизнинг спортчиларимиз ҳам шоҳсупа тўрига кўтариларканлар-да, дея умид билан дилларини шод этгандилар.

Фахр

ҲАСАНБОЙ ДЎСТМАТОВ – ОЛИМПИАДА ҒОЛИБИ!

Дарҳақиқат, 49 килограммгача бўлган вазнда Бутунжаҳон универсиадаси ғолиби, Осиё чемпионати совриндори Ҳасанбой Дўстматов юқори техникага асосланган ажойиб маҳорати билан барча рақибларини кетма-кет доғда қолдириб келаётганди. Чунончи, чорак финалда қозоғистонлик Биржан Жакипов, ярим финалда эса америкалик Нико Мигель Хернандесларни ишончли тарзда енгиб финалга чиқди.

Албатта, Олимпиадада енгил рақиблар бўлмайди. Бу гал Ҳасанбойга колумбиялик Юберхен Херней Мартинес рўбарў келди. Бокс залига йиғилган ўзбекистонлик мухлисларнинг қизғин қўллаб-қувватлаши остида Ҳ.Дўстматов ҳар учала раундда ҳам ўз устунлигини кўрсатгани ҳолда олтин медални қўлга киритди.

Ўйлаймизки, Ҳасанбой Дўстматов ўз мураббийининг елкасида зал узра айланиб, Ўзбекистон байроғини ҳилпиратган, унинг шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилган, залдаги мухлисларнинг қувончдан кўз ёшларини тўкканлари барча ватандошларимиз ёдида узоқ вақт сақланиб қолади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 91 килограммгача вазнда яна бир боксчимиз Рустам Тўлаганов бронза медалини қўлга киритди.

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан ташкил этилган "Истиқлол фарзандлари" ёшлар фестивали якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ўтган учрашувда академия ректори М.Алиев, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз асарларида халқимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган мураккаб, айни вақтда шарафли йўли ўз ифодасини топгани, бугунги кунда ҳаёт олдимизга қўяётган долзарб ва ўткир саволларга ҳаққоний жавоб берилганини алоҳида таъкидлади.

– Президентимиз китобларида давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилган, – дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Андижон санъат коллежи битирувчиси Севара Фозилжонова. – Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтариш, иқтисодий қудратини янада ошириш, таълим-тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спортни изчил ривожлантириш, ёшлар учун қулай шароитлар яратиш, ҳар бир ҳудудни равнақ топтиришга доир устувор йўналишлар баён қилинган. Давлатимиз раҳбари асарларини ўрганиш келажакка дадил қадамлар билан кириб бораётган биз, ёшлар учун муҳим дастуруламалдир.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида ўтказилган "Ўзбекистонда автосаноат ривожланиши: тарих ва истиқбол" мавзуидаги давра суҳбатида Президентимиз ташаббуси билан миллий автомобилсозлик саноатига асос солиниши, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва соҳанинг бугунги истиқболлари ҳақида сўз борди.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Тошкент шаҳар марказида "Мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган мазкур тадбирда Ички ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Адлия вазирлиги мутахассислари, марказ ходимлари ва тингловчилари иштирок этди.

Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари О.Жўрабоев, Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Тошкент шаҳар маркази бошлиғи Н.Ҳазратов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барпо этилган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида инсон ҳуқуқлари юксак даражада қадр топаётганини алоҳида таъкидлади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича миллий институтлар фаолияти йўлга қўйилгани, соҳада узлуксиз таълим ва маърифий ишлар олиб борилаётгани, ҳуқуқий мавзуда йигирмадан зиёд ихтисослашган журнал ва газеталар чоп этилаётгани бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширмоқда. Ушбу йўналишда замонавий ахборот-ресурс марказлари ҳам фаолият юритмоқда.

Ички ишлар вазирлигида ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази шулардан биридир. Замонавий ахборот-технологиялари билан таъминланган ушбу марказнинг компьютерлар базасида миллий қонунчилик асослари, инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўлида қабул қилинган халқаро аҳамиятга молик ҳужжатлар жамланган. Соҳа ходимлари улардан фойдаланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Ички ишлар ходимларининг бу борадаги малакасини ошириш, ушбу мавзуда семинар-тренинглар ўтказиш, ҳужжатлар ва адабиётлар чоп этиш ҳамда давлат идоралари, судлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан ҳамкорлик механизмининг самарадорлигини кучайтиришга доимий эътибор қаратилмоқда.

Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Тошкент шаҳар марказида тингловчи-курсантларга тасдиқланган дастур асосида "Инсон ҳуқуқлари" фани ўқитилмоқда. Ўқув жараёни назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланган ҳолда амалга оширилаётир.

Давра суҳбатида мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида амалга оширилган тадбирлар, эришилган ютуқлар, истиқболда амалга оширилиши белгиланган кенг қамровли ишлар ҳақида фикр-мулоҳаза алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нукусда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда тасвирий санъат, кино, фото, дизайн, адабиёт, журналистика йўналишлари бўйича тақдим этилган 40 дан зиёд ижодий иш баҳоланди.

• Тошкент вилоятидаги Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун медиатур ташкил этилди. Медиатур доирасида журналистлар мазкур миллий боғнинг мўътадил иқлими, табиий ва қадимий ёдгорликлари билан машҳур бўлган 30 га яқин ҳудудларида бўлди. Соҳа мутахассисларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

• Навоийда фуқароларнинг коррупция ҳолатларининг олдини олиш бўйича хабардорлиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш маркази, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда адлия ва прокуратура ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

• Андижонда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ўтказилган аёллар спорт фестивалида 17 жамоа иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Нью-Йоркдаги Кеннеди номли аэропортда рўй берган отишма боис барча рейслар бекор қилинди, аэропортдагилар хавфсиз жойга кўчирилмоқда.

• Покистонда автобус иштирокида рўй берган йирик йўл-транспорт ҳодисаси натижасида 22 киши ҳалок бўлди, 50 нафар одам турли даражадаги тан жароҳати олди.

• Голландиялик архитекторлар Дубайда сузувчи уйлар флотилиясини барпо этиш ташаббуси билан чиқишди. Лойиҳа шу йилнинг 6-8 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган "Cityscape Global" кўргазмасида намойиш этилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, Яқин Шарқ минтақасида сузувчи уйларни сотишдан биринчи йилнинг ўзида 50 миллион доллар даромад кўриш мумкин. Кейинчалик бу рақамнинг икки мартага кўпайиш эҳтимоли ҳам мавжуд.

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 25 O'ZBEKISTON

ЮНУСОБОД ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда ўқувчи-ёшларга турли касб-ҳунар сирларини ўргатиш, қизиқишларига кўра мактабда олган билимларини ривожлантириш, амалиётда мустаҳкамлаш, иқтидору истеъдодларини намоён этишга кўмаклашиш мақсадида "Баркамол авлод" болалар марказлари фаолият юритмоқда.

Ёшлар – келажагимиз

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Туман "Баркамол авлод" болалар маркази ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бинода барча шарт-шароитлар яратилган ҳолда фаолият юритаётган марказда болалар билан машғулотлар тўғарак раҳбарлари томонидан қизиқарли тарзда олиб борилаётган бўлса, марказнинг услубчилари эса услубий ёрдам кўрсатмоқда. Ўғил-қизлар томонидан қизиқиш кундан-кунга ортаётганини ҳисобга олиб марказ базаси ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг бари болаларнинг келгусида баркамол авлод бўлиб вояга етишларига хизмат қилиши шубҳасиз.

— Ёш авлод жамиятимизнинг асосий бўғини бўлиб, уларни тарбиялаш ва касб-ҳунарга йўналтириш, энг муҳими уларнинг бўш вақтини самарали меҳнатга сарф этиш мактабдан ташқари таълимнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади, — дейди Юнусобод тумани "Баркамол авлод" болалар марказининг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Шоҳиста Очилова. — Шу сабабли юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодни мактабдан ташқари шароитларда ҳам билим олишлари ва ҳунар ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўсиб келаётган авлоднинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш, ўқувчиларга меҳнатсеварликни сингдиришга, шунингдек, уларнинг бўш вақтдан оқилона фойдаланишига йўналтирилган мактабдан ташқари ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида марказ ўз фаолиятини бошлаган. Марказда техник ижодкорлик, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишлари бўйича 33 та тўгаракда 600 дан зиёд тўгарак аъзолари таҳсил олмоқдалар. Жорий йилнинг 15 июндан 15 августга қадар махсус дастур асосида марказда 08:00-11:30 га қадар бепул тўгараклар фаолият юритмоқда. 11:30-12:30 га қадар ўқувчилар ясаган ижодий ишларидан кўргазмалар ташкил этилмоқда. Бундан ташқари болалар стол тенниси, шахмат-шашка тўгаракларига катта қизиқиш билан қатнашмоқда. Ҳозирги кунда ёз мавсумида 350 дан зиёд ўқувчилар тўгаракларимизда ҳунар ўрганишга муваффақ бўлишди.

Энг фаол, иқтидорли тўгарак аъзолари туман ва шаҳар миқёсидаги кўрик-танловларда ўз истеъдодларини намоён этиб, эътирофга сазовор бўлишаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Маҳалла

МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

Ватан ичра кичик бир ватан деб аталмиш меҳр-оқибат қўрғони бўлган маҳаллалар инсонларни ҳамжиҳатлик, аҳиллик, қўни-қўшничилик сингари эзгуликлар сари чорлайди.

Туманда жойлашган маҳаллаларда мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари авжида. Айниқса, тумандаги маҳаллалар орасида "Бободеҳқон" маҳалласи ободлиги, файзу таровати, меҳр-оқибатли кишилар билан бошқаларга намуна бўлиб келмоқда. Бугунги кунда бу ерда 5992 нафар аҳоли тотув ва ҳамжиҳатликда истиқомат қилмоқда.

Маҳалла ҳудудида "Нуроний" санаторийси, "IBRAGIMOV X.N" хусусий корхонаси, озиқ-овқат, хўжалик ва саноат моллари дўкони, савдо ва маиший шохобчалари аҳолига самарали хизмат кўрсатмоқда.

— Маҳалламиз ҳудудида истиқлолимизнинг қутлуғ байрамига тайёргарлик ишлари авжида, — дейди "Бободеҳқон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоир Иргашев. — Жумладан, ободонлаштириш, тозалаш, дарахтларни оқлаш, гуллар экиш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб, 3 та кўчамиз асфальтланган бўлса, мустақиллик байрамига яна 2 та кўча асфальтланиши режалаштирилган. Байрам арафасида болалар майдончасида теннис корти ва фаввора, савдо шохобчаларини очилиши аҳолимизга туҳфа бўлади. Айнан ўша куни "Ярим аср ёнма-ён" тадбирини ўтказиш ҳаракатидамиз. Маҳалламизда 50 йил бирга турмуш қурган 35 та оилага совғалар бериш кўзда тутилган. Бундан ташқари маҳаллада истиқомат қилувчи кекса ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат тўпламлари беришни режалаштирганмиз.

Маҳаллани ободонлаштириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга эътибор, аҳолининг бандлигини таъминлаш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳудудни янада обод қилиш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган ишлар келгусида ўзининг самарасини бериши шубҳасиз.

Мазкур маҳаллада "Энг кўркам ва обод кўча", "Энг намунали обод ва сариштали оила" кўрик-танлови ўтказилиб, Ҳусайн кўчаси "Энг кўркам ва обод кўча" деб топилди. "Энг намунали обод ва сариштали оила" сифатида Пўлатовлар хонадони ғолиб бўлди. Уларга эсдалик совғалари топширилди.

Маҳалла кичик бир маскан, нурли гўша. Маҳаллада инсонлар бир-бирига суяниб, аҳил ва иноқ яшайдилар. Юрт тинчлиги ва ободлиги маҳалладан бошланади. Буни "Бободеҳқон" маҳалласи мисолида ҳам айтиш мумкин.

Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Ҳар бир оилада, айниқса, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва шакллантириш муҳим аҳамиятга эгалигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Саломатлик

ЎЗ КАСБИНИНГ ЖОНКУЯРЛАРИ

Ёш авлодни соғлом ва комил инсон қилиб вояга етказиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофазалаш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 425 ўринга мўлжалланган Шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонасида ҳам бу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Келажак авлоднинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва ҳимоялаш ишларини юксак даражага олиб чиқиш, ихтисослашган ютуқларни соҳага кенг татбиқ қилиш мақсадида шифохонада самарали ишлар олиб борилмоқда.

Бу ерга ташрифимиз чоғида тиббиёт ходимларининг ўз вазифасига сидқидилдан ёндошган ҳолда беморлар атрофида парвона бўлаётганининг гувоҳи бўлдик.

— Болажонлар шифо топиши учун масканимизда барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси бўлим мудири, олий тоифали шифокор Холида Баирдиханова. — Шифохонада 19 та бўлим бўлиб, беморларнинг саломатлигини тиклаш, уларга аниқ ташхис қўйиш, шошилинч ва самарали муолажалар қилиш юқори даражада йўлга қўйилган. Муассасада 125 нафар шифокор, 375 нафар ҳамширалар томонидан болалар дардига даво уланшилади. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида фаолият олиб бормоқдамиз.

Жорий йилда шифохонага рақамли рентген аппарати, компьютер томография, ультратовушли ингалятор, чақалоқларни парваришлаш учун кувез каби тиббиёт аппаратлари олиб келинган.

Ўз касбининг жонкуярлари кечаю кундуз болажонлар саломатлигини асраш йўлида хизмат қилмоқда.

Болалар спорти

СОҒЛОМ ҲАЁТ ГАРОВИ

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотлари барпо этилиб, ёшларимизнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Анъанавий тарзда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари ўтказилиши ўғил-қизлар орасида спортга қизиқувчиларнинг сонини ортишига ҳисса қўшмоқда.

Жорий йилда туманда фаолиятини бошлаган 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби аҳоли, айниқса спортсевар ёшлар учун яна бир туҳфа бўлди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида эртамиз эгалари бўлган ўғил-қизлар спортнинг ўн икки – минифутбол, баскетбол, сузиш, таэквондо, дзюдо, енгил атлетика, кураш каби турлари билан шуғулланиш имконига эгадирлар.

— Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш мақсадида кўплаб спорт иншоотлари янгидан қурилиб, мавжудлари қайтадан таъмирланиб, фойдаланишга топширилмоқда, — дейди 2-БЎСМ директори Азамат-Али Қаландаров. — Бу эса ўз навбатида ёш авлод онгида спортга бўлган қизиқишни пайдо бўлишига, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга замин яратмоқда. Спорт мактабда барча зарур жиҳоз ва тренажёрлар билан таъминланган спорт зали, ёпиқ сузиш ҳавзаси, тиббиёт, ювиниш ва кийим алмаштириш хоналари мавжуд. 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қиз ўзлари хоҳлаган спорт тури билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Маҳалла аҳли билан бир қаторда спорт мактаби билан ёнма-ён жойлашган 257 ва 258-умумтаълим мактаби ҳамда Тошкент иқтисодиёт коллежи ёшларига қулай шароит яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўтган вақт мобайнида ўғил-қизларимиз Ўзбекистон ва халқаро мусобақалар совриндорларига айланишгани бизни беҳад қувонтирмоқда.

Бу каби спорт мактабларининг кўплаб очилиши ўғил-қизларимизнинг спортда эришаётган улкан ютуқларида муҳим омил бўлишини, уларнинг юртимиз довруғини дунёга таратишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Саҳифа материалларини Зиёда РАСУЛОВА тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ИЖРОСИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг "Геодезия ва картография тўғрисида"ги қонунининг ижроси юзасидан Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисининг ахбороти эшитилди.

Мамлакатимизда саноат, транспорт, қурилиш, энергетика, туризм каби соҳаларнинг жадал ривожланиши геодезия хизматлари ва картография маҳсулотларига бўлган талабни оширмоқда.

"Геодезия ва картография тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар, Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари ҳамда қонуности ҳужжатлари геодезия ва картография соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилмоқда.

– Мамлакатимиз ҳудудларининг мукаммал хариталарини график, рақамли, фотографик ва бошқа шаклларда яратиш, янгилаб туриш ва нашр қилиш ишлари мунтазам амалга оширилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси раиси Саидқул Арабов. – Бу иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳалари талабидан келиб чиқиб, ердан фойдаланувчилар, ҳудудларни харитага тушириш, шаҳарсозлик, мудофаа, геология конлари мониторингини амалга оширишда қўл келмоқда. Умумий географик, сиёсий-маъмурий, илмий-ахборот берадиган ва бошқа тармоқлараро аҳамиятга молик мавзули харита ва атласлар, ўқув картография қўлланмалари тайёрланиб, нашр этилмоқда.

Ҳозир таълим муассасалари учун атлас ва контур хариталар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларнинг умумий географик ва сиёсий-маъмурий хариталари яратилди. Юртимизнинг диққатга сазовор жойлари, ёдгорликлар ва бошқа объектлар тасвирланган туристик хариталар ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилмоқда. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон Республикасининг географик атласи" янги таҳрирда нашр этилди.

– Геодезия ва картография ишларини ўз вақтида рўйхатдан ўтказишни амалга оширмаслик, бажарилган ишлар тўғрисида техник ҳисоботлар ва геодезик пунктлар ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик, геодезик асбоб-ускуналарни метрологик кўрикдан ўтказиш нормаларини бузиш ҳолатлари учрамоқда, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Турсунбоев. – Хусусан, 2015 йил ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтказилган рейдлар текширувларнинг аксариятида камчиликлар аниқланган. Жумладан, "Гулистон сув лойиҳа", "Сурхон кафолат лойиҳа", "Бухоро йўл лойиҳа" масъулияти чекланган жамиятлари фаолиятида норматив-техникавий ҳужжатлар талабларига риоя этилмаган ҳолатлар кузатилган.

Эшитувда Ўзбекистоннинг умумжаҳон геодезия тармоғига кириш имкониятини яратадиган, миллий манфаатлардан келиб чиқадиган янги давлат геодезик йўлдошли тармоғини яратиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, амалдаги қонуннинг айрим нормалари геодезия ва картографияга оид фаолиятни ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантиришнинг замонавий талабларидан орқада қолаётганлиги, уни такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Эшитув якунлари бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сайёра ШОЕВА

ЁШЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Пойтахтимиздаги Турин политехника университетида Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши ва партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан давра суҳбати ташкил этилди.

Ўзбекистон халқ артисти Т.Юсупова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Н.Йўлдошева ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг пухта билим олиши, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши, ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишига катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ёш авлод тарбиясида, уларга пухта билим бериш, тафаккури ва дунёқарашини тўғри шакллантиришда янги босқични бошлаб берди.

Давра суҳбатида мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларга яратилган кенг имкониятлар, улар қўлга киритаётган ютуқлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ёш оилалар билан интерфаол ўйинлар ташкил этилди. Бунда иштирокчилар белгиланган вақт ичида "Оилангизнинг бахт формуласи", "Бахт индекси нима?", "Ёшликнинг олтин қоидаси" каби саволлар доирасида ўз лойиҳаларини ишлаб чиқиб, тақдим этди.

(ЎзА)

МИЛЛИЙ АВТОМАГИСТРАЛ: КЕЧА ВА БУГУН

Миллий матбуот марказида "Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Миллий Автомагистрали: кеча, бугун ва эртага" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Республика йўл жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбирда миллий автомагистрални ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар, автомагистралнинг бугунги ҳолати ва келгусидаги режалар ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида йўл қурилиш соҳасида улкан ишлар амалга оширилди. Янгидан янги йўллар, кўприклар ва йўл ўтказгичлар қурилмоқда, олдингилари замон талаблари даражасига келтирилаётир. Ўзбекистон автомобиль транспорти ва автойўллар соҳасида 30 дан ортиқ халқаро конвенциялар, келишув ва шартномалар иштирокчиси. Шунингдек, миллий транспорт коммуникацияларини такомиллаштириш ва халқаро транспорт тизимларига интеграциялаш бўйича халқаро ташкилотлар ишлаб чиқаётган бир қатор дастурларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудида 20 та халқаро ва давлат аҳамиятидаги йўллар бўлиб, ушбу автомобиль йўлларини юртимиз иқтисодиётига ижобий таъсир этишини инобатга олиб ҳамда бошқа давлат транспорт воситаларининг транзит қатновини ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан "Ўзбек Миллий Автомагистрали"ни барпо этиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирда "Ўзбек Миллий Автомагистрали"нинг умумий узунлиги 2782 километрни ташкил этади. Президентимизнинг 2015 йил 6 мартдаги "2015-2019 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги Қарорига асосан миллий автомагистрал таркибига кирувчи халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурига мувофиқ жами 2015-2019 йиллар давомида қарийб 2700 километр автомобиль йўлларига асфальт ётқизилиши ҳамда 350 метр кўприклар, еттита транспорт ечимлари ва йўл ўтказгичлари қуриш режалаштирилган.

Бу борадаги ишларни амалга ошириш учун тегишли қарорларда халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит маблағларини жалб қилиш, қурилиш техника ва механизмларини харид қилиш ишлари ҳам кўзда тутилган. Белгиланган дастурларга асосан "Ўзбек Миллий Автомагистрали"ни барпо этиш ишлари 2019 йилда тўлиқ якунланади.

Мустақиллик йилларида 2940 километр умумий фойдаланувдаги автомобиль йўллари қурилиб фойдаланишга топширилди. Жумладан, Қўнғирот-Бейнеу йўналишида 244 километрлик автомобиль йўлига асфальт ётқизилди, 483 километр автомобиль йўли кенгайтирилди ҳамда 341 километр автомобиль йўлларининг кўтариш чидамлилиги 10 тоннадан 13 тоннага етказилди. Шунингдек, автомагистралларда Кўқон, Тошкент, Бўка, Гулистон, Каттақўрғон ва Бухоро шаҳарларини айланиб ўтадиган йўллар қурилди.

Бир сўз билан айтганда, истиқлол йилларида йўл қурилишида, хусусан, автомагистрал йўлларда кўплаб айтишга арзигулик ишлар қилинди. Йўлларимиз равон ва хавфсиз, атрофи ободонлаштирилган. Айланма ва сифатсиз йўллар ўрнига қисқа, тўғри ва жаҳон стандартларига мос йўллар қурилди ва бу жараён давом этмоқда.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Абдуалим САЛИМОВ

Ислом Исмоилов олган сурат

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил ва юк автомобиллари, махсус транспорт воситалари дунё бозорида ҳам харидоргир.

Президентимизнинг 2009 йил 27 апрелдаги қарори асосида ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида автомобиль, машинасозлик ва электротехника саноати, энергетика, саноат ва хўжалик объектларини лойиҳалаштирадиган ва қурадиган корхона, ташкилотлар учун юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида ўтказилган "Ўзбекистонда АКТ соҳасида эришилган ютуқлар" мавзуидаги тақдимот ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди. Мамлакатимизда ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошқариш бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда. Дастурий таъминотчилар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари, саноат, инфратузилма тармоқлари ва бошқа замонавий ахборот технологиялари истеъмолчилари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда.

– Пойтахтимизда фаолият юритаётган замонавий олий таълим муассасалари билан яқиндан танишиб, ушбу университетларда ёшларнинг билим олиши, маънавиятини бойитиши учун барча қулайликлар яратилганига гувоҳ бўлдик, – дейди Жиззах вилоятидаги Зарбдор саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси, "Юксак маънавиятли авлод" фестивали ғолиби Мухтасар Мамарасулова. – Мен ҳам келажакда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида ўқишни дилимга тугдим.

Ёшлар ижод саройида энг улуғ, энг азиз байрамимизга бағишлаб ташкил этилган "Ватанимга муҳаббатим изҳори!" мавзуидаги кўргазмадан ёшларнинг Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббати, буюк келажакка бўлган қатъий ишончи, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни янада тараққий эттириш билан боғлиқ ғоялар тасвирланган фото, видео асарлари, ижодий ишлари ўрин олди.

"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остидаги "Истиқлол фарзандлари" ёшлар фестивали "Туркистон" саройининг ёзги майдонида ёш ижрочи ва ижодий жамоалар иштирокидаги галаконцерт билан якунланди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти Янгийўл тумани судининг 2016 йил 3 мартдаги 1-730-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 6-даҳа, 3-уй, 37-хонадонда жойлашган. Умумий майдони 57.91кв.м., яшаш майдони 39.56кв.м., бўлган хонадон кўйилмокда **Бошланғич баҳоси – 92 268 692 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 15 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2016 йил 13 сентябрь куни соат 18:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги х.р. 20208000404920609021, МФО 01036, СТИР 207 122 519 га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А" уй. Тел./факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2016 йил 9 августдаги 158(13.221)-сонида хабарномаси чоп этилиб, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг очиқ аукцион савдоларига чиқарилган "Тошкент трамвайи" УКга тегишли, 3 та кўчмас мулкнинг аукцион савдоси "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ жойлашган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй манзилида бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48. www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR-0001.

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ ҳудудий филиалларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сон қарорига асосан савдолари ташкил этилган ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқларининг танлов натижалари тўғрисида ахборот

Тошкент шаҳар филиали:

1. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун Бектемир тумани, Жамил Тошкандий кўчаси, 56-уй ёнида умумий майдони 0.10га бўлган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, бошланғич нархи – 1 900 000 сўм, сотилиш нархи – 2 500 000 сўм. 2. Савдо мажмуаси қурилиши учун Миробод тумани, Фарғона йўли ва Парвона кўчалари кесишган ҳудудда умумий майдони 0.10 га бўлган, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, бошланғич нархи – 3 900 000 сўм, сотилиш нархи – 25 000 000 сўм. 3. Таркибида савдо шохобчаси бўлган ўрта қаватли автотураргоҳ қурилиши учун, Сергели тумани, "Сергели-6" мавзеси, Янги Сергели кўчаси бўйида умумий майдони 0.32 га бўлган, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, бошланғич нархи – 12 600 000 сўм, сотилиш нархи – 12 600 000 сўм. 4. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун, Сергели тумани, "Сергели-6" мавзеси, Меҳригиё кўчаси, 2-уй олдида умумий майдони 0.08 га бўлган, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, бошланғич нархи – 3 100 000 сўм, сотилиш нархи – 15 000 000 сўм. 5. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун, Сергели тумани, "Қурувчи" даҳаси, Хонобод кўчаси бўйида умумий майдони 0.10 га бўлган, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи, бошланғич нархи – 1 900 000 сўм, сотилиш нархи – 10 000 000 сўм. 6. Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун, Яшнобод тумани Тараққиёт кўчаси, лойиҳадаги (Г-60) бўйида умумий майдони 0.22 га бўлган, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, бошланғич нархи – 8 700 000 сўм, сотилиш нархи – 36 000 000 сўм. 7. Спорт соғломлаштириш ва ўқув маркази қурилиши учун, Шайхонтоҳур тумани, "Оқтепа" даҳаси, С.Дарбоза кўчаси, 7-уй ўнг томонида умумий майдони 0.19 га бўлган, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, бошланғич нархи – 11 300 000 сўм, сотилиш нархи – 70 000 000 сўм. 8. Автомототранспорт воситаларини доимий сақлаш жойи (очиқ автотураргоҳ) қурилиши учун Шайхонтоҳур тумани "Белтепа"даҳаси, Белтепа 1-тор кўчаси, 19-уй орқа томонида умумий майдони 0.20 га бўлган, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, бошланғич нархи – 7 900 000 сўм, сотилиш нархи –10 000 000 сўм. 9. Спорт-соғломлаштириш мажмуаси қурилиши учун, Шайхонтоҳур тумани, Баҳор кўчаси, 16-уй ёнида умумий майдони 0.25 га бўлган, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи, бошланғич нархи – 19 800 000 сўм, сотилиш нархи – 50 000 000 сўм. 10. Автомототранспорт воситаларини доимий сақлаш жойи қурилиши учун, Юнусобод тумани, Ш.Рашидов кўчаси, Анҳор канали бўйида умумий майдони 0.3898 га бўлган, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, бошланғич нархи – 38 600 000 сўм, сотилиш нархи – 39 000 000 сўм. 11. Ўқув ва спорт-соғломлаштириш мажмуаси қурилиши учун, Юнусобод тумани "Юнусобод-15" мавзе, Аҳмад Дониш кўчаси, 75-уй ёнида умумий майдони 0.10 га бўлган, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, бошланғич нархи – 3 900 000 сўм, сотилиш нархи – 44 000 000 сўм.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2008 йил 15 сентябрдаги №520-сонли ҳисоб рўйхатига олинган Учтепа (Акмал Икромов) тумани Фарҳод кўчаси, 21-уйда жойлашган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси Учтепа (Акмал Икромов) туман филиали (ИНН: 201 800 518) Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ижро этувчи қўмитаси томонидан Яшнобод, Учтепа ва Юнусобод туманидаги филиаллар фаолиятини тугатишга оид 2016 йил 14 июлдаги №127-"F"-сонли буйруғи ҳамда бошқарманинг 2016 йил 18 июлдаги №33/16/ИЧ-сонли буйруқларига асосан тугатилади.

Эътирозлар эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Юнусобод тумани, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2012 йил 3 февралдаги №665-сонли ҳисоб рўйхатига олинган Яшнобод (Ҳамза) тумани Фарғона йўли кўчаси, 21-уйда жойлашган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси Яшнобод (Ҳамза) туман филиали (ИНН: 201 800 518) Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ижро этувчи қўмитаси томонидан Яшнобод, Учтепа ва Юнусобод туманидаги филиаллар фаолиятини тугатишга оид 2016 йил 14 июлдаги №127-"F"-сонли буйруғи ҳамда бошқарманинг 2016 йил 18 июлдаги №33/16/ИЧ-сонли буйруқларига асосан тугатилади.

Эътирозлар эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Юнусобод тумани, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2007 йил 20 августдаги №476-сонли ҳисоб рўйхатига олинган Юнусобод тумани Осиё (Муртазоев) кўчаси, 40-уйда жойлашган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси Юнусобод туман филиали (ИНН: 201 800 518) Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ижро этувчи қўмитаси томонидан Яшнобод, Учтепа ва Юнусобод туманидаги филиаллар фаолиятини тугатишга оид 2016 йил 14 июлдаги №127-"F"-сонли буйруғи ҳамда бошқарманинг 2016 йил 18 июлдаги №33/16/ИЧ-сонли буйруқларига асосан тугатилади.

Эътирозлар эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Юнусобод тумани, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй манзили бўйича қабул қилинади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!!!

